

4.2.6. “Буюртмачи”ни “Ижрочи” хизмати учун тўлов таърифлари хабардор қилади.

4.2.7. Қуйидаги ҳолатларда шартноманинг амал қилинишини тўхтатилади ёки бир томонлама бекор қилади:

а) “Буюртмачи” хизматлар учун тўловдан камида 3 ойлик қарздор бўлса;

б) “Ижрочи” мажбуриятларини бажариш учун тўсқинлик қилувчи техник сабаблар объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарганда, телефон ўчириб қўйилганда ёки марказлашган кўриклаш пункти тугатилганда;

в) “Ижрочи”га “Буюртмачи” ўзгарганлиги ҳақида хабардор этилмаган бўлса;

г) Мазкур шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.4., 4.1.6. бандларида кўзда тутилган қоидалар бузилган бўлса.

4.2.8. Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, марказий назорат пултларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, “Объект”ни назорат учун қабул қилмайди, бу ҳақида “Буюртмачи”ни хабардор қилади.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги:

5.1.1. Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган хар 1 кун “Ижрочи”га шартнома нархининг 0,4% миқдорида умумий жарима миқдори кечиктирилганда сумманинг 50% дан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

5.1.2. Мазкур шартнома бўйича хизматлар ҳақини асосланмаган ҳолда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдорида қўшимча жарима тўлайди.

5.1.3. Хўжалик юритувчи объект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловни) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги

5.2.1. “Ижрочи” кўриклаш вақтидан ташқари объектда бегона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

5.2.2. “Буюртмачи”га, ташвиш-сигнали берилганда кўриклаш наряди етиб боришлиги таъминланади.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

7.1. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, фавқулотда ҳолатларда, томонлар ўз имкониятлари ва кучлари билан назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатларда шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажармаслиги тарафларни жавобгарликдан озод қилади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур

Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради.